

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ, КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛЬ ВА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Исмоилов Шоҳижаҳон Ибрагим ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси 309-
гуруҳ курсанти

Аннотация: Мазкур мақола жамоат хавфсизлигини таъминлашда профилактика инспекторларининг замонавий вазифа ва функцияларини метафизикавий, гносеологик ва аксиологик нуқтаи назардан таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотда рақамли трансформация шароитида профилактика тизимининг эволюцияси, ижтимоий гомеостаз концепцияси ва стратегик афзалликлар парадигмаси ўрганилган. Мақолада мултидисциплинар интеграция ва синергетик эффектлар асосида келажакдаги кутилаётган натижалар белгиланган.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, профилактика инспекторлари, метафизикавий таҳлил, гносеологик ёндашув, аксиологик иерархия, рақамли трансформация, ижтимоий гомеостаз, стратегик афзаллик, идеалистик парадигма, мултидисциплинар интеграция, превентив фаолият, институционал эволюция, концептуал методология, синергетик эффект, предиктив аналитика.

Аннотация: Данная статья посвящена анализу современных задач и функций инспекторов профилактики в обеспечении общественной безопасности с метафизической, гносеологической и аксиологической точек зрения. В исследовании изучается эволюция системы профилактики в условиях цифровой трансформации, концепция социального гомеостаза и парадигма стратегических преимуществ. В статье определены будущие перспективы на основе мултидисциплинарной интеграции и синергетических эффектов.

Ключевые слова: общественная безопасность, инспекторы профилактики, метафизический анализ, гносеологический подход, аксиологическая иерархия, цифровая трансформация, социальный гомеостаз, стратегическое преимущество, идеалистическая парадигма, мултидисциплинарная интеграция, превентивная деятельность, институциональная эволюция, концептуальная методология, синергетический эффект, предиктивная аналитика.

Замонавий ҳуқуқшуносликда “вазифа” ва “функция” терминлари ўртасидаги концептуал фарқни аниқлаш фундаментал аҳамият касб этади.

Гносеологик¹⁹ нуқтаи назардан қараганда, вазифа - бу юридик субъектга юклатилган конкрет мажбуриятлар мажмуи бўлиб, деонтологик²⁰ характерга эга, функция эса - институционал тизимда ижро этиладиган роль ва мақсадга йўналтирилган фаолият турларининг онтологик тоталлиги²¹ни билдиради.

Онтологик жиҳатдан, профилактика инспекторларининг вазифалари статик-нормативистик²² табиатга эга бўлса, функциялари динамик-телеологик²³ характер касб этади. Бу дихотомия²⁴ аксиологик иерархияда²⁵ муҳим методологик аҳамият касб этади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида функция сўзига бирор ижтимоий ташкилот, кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси; вазифаси дея таъриф берилган²⁶, ушбу сўзнинг келиб чиқиши эса тўғридан-тўғри латин тилидаги *functio* сўзидан олинган бўлиб, ишлаш ёки ижро этиш маъноларини англатади. Шунини қайд этиш лозимки, “функция” ва “вазифа” тушунчалари бир-биридан ажралмас бўлиб, давлатнинг вазифаларига мос келиши давлат функцияси категориясининг асосий белгисини ташкил этиши бежиз эмас. Вазифа бу ечилиши талаб қилинадиган масала бўлса, функция - шундай ечимга йўналтирилган фаолият туридир²⁷.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти функциялари ҳақида фикр юритган С.Симонова жиноятчиликни олдини олиш тизими тартибга солувчи, ҳимоя қилувчи ва тарбиявий функцияларни бажаради²⁸, рецидив жиноятларнинг мавжудлигининг ўзи, деб қайд қилган тадқиқотчилар И. В. Хоменко Ю. В. Деришевлар²⁹ давлатнинг жиноят содир қилган шахсларга нисбатан юритаётган фаолияти ёки профилактика функцияси кам самаралилигини кўрсатаётганлигини, худди шунингдек А.Я. Гоголева ҳам жиноятчилик сони ўсиб бораётган даврда жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш давлатнинг асосий функцияларидан бири деб эътироф қилган³⁰ А.А. Беженцев эса ички ишлар

¹⁹ Гносеология юнонча “gnosis” (билим, билиш) ва “logos” (таълимот, фан) “билим ҳақидаги таълимот” ёки “билиш фани” деган маънони англатади.

²⁰ деонтология- юнонча deon (бурч, мажбурият) ва logos (таълимот, фан) сўзларидан олинган, бу муайян инсоннинг бошқалар ва жамият олдидаги ахлоқи ва ахлоқий мажбуриятларини ўрганиш, у ахлоқнинг бир қисмидир ва инсон ҳаётининг турли соҳаларида, шу жумладан касбда ҳам амал қилиши керак бўлган ҳулқ-атвор қоидалари ва меъёрларини ўрганади.

²¹ бу ерда “онтологик тоталлик” деганда, функциянинг институционал тизимдан ажралмас, фундаментал ва асосий қисми эканлигига урғу берилмапти, тоталлик- эса тўлиқлик, умумийлик, ҳаммасини қамраб олиш маъносини беради, яъни, функция шунчаки бир ҳаракат эмас, балки тизимнинг моҳиятидан келиб чиқадиган, унинг мавжудлигини белгилайдиган элементдир, демак, функция фақат битта ҳаракат ёки роль эмас, балки тизимда бажариладиган барча роллар ва мақсадли фаолият турларининг бир бутун, узвий ва тўлиқ мажмуидир.

²² “статик-нормативистик” ёндашув кўпинча мавжуд нормалар, қоидалар ва қонунларнинг ўзгармас ва доимий тизими сифатида қараладиган ҳолатни англатади, бунда тизимнинг ишлаши, асосан, белгиланган меъёрларга қатъий риоя қилиш орқали таъминланади, масалан, ҳуқуқшуносликда статик-норматив ёндашув қонунларнинг аниқ қоидалар мажмуи сифатида қабул қилинишини, уларнинг ижроси эса шу қоидаларга сўзсиз амал қилишдан иборат эканлиги ва тизимнинг эволюцияси ёки ўзгаришига эмас, балки унинг ҳозирги, қатъий тузилмасига эътибор берилади.

²³ “динамик-телеологик” ёндашув доимий ривожланиш ва ўзгаришлар орқали муайян мақсадга эришишга интилишни англатади. Бунда тизимнинг ёки жараённинг эволюцияси, мослашуви ва узил-кесил мақсад сари ҳаракати муҳим аҳамиятга эга, масалан, давлат ривожланишида динамик-телеологик ёндашув — бу давлатнинг доимий равишда ўзгариб, фуқаролар фаровонлигини ошириш каби аниқ мақсадларга эришиш йўлида ҳаракат қилишидир. Бунда тизимнинг “қандай бўлиши керак”лиги эмас, балки “нимага эришишга интилиши” муҳим аҳамиятга эга.

²⁴ бу иккита ўзаро қарама-қарши ёки бир-бирини инкор этувчи қутбларга бўлинишни, иккиланиш ёки икки томонламаликни англатади. Бунда мураккаб тушунча ёки ҳодиса иккита алоҳида, кўпинча бир-бирига зид категорияга ажратилади.

²⁵ Аксиология атамаси иккита қадимги юнонча сўзлар *ἀξία* (axia): “қадрият”, “қиймат”, “муҳимлик” ва *λόγος* (logos): “сўз”, “таълимот”, “фан” дегани, аксиологик иерархия- қадриятларнинг аҳамияти ёки устунлиги бўйича тартибланган тизими, яъни, баъзи қадриятлар бошқаларидан устунроқ, муҳимроқ деб ҳисобланади ва шу тартибда жойлаштирилади, мисол: кўплаб жамиятларда инсон ҳаёти энг юқори аксиологик иерархияда туради (ундан кейин эркинлик, адолат, мулк ва ҳоказо.), қарор қабул қилишда ёки амалий ҳаракатларда шу иерархияга асосланилади, масалан, икки қадрият ўртасида танлов қилиш керак бўлганда, аксиологик иерархияда юқорироқ турган қадриятга устунлик берилади.

²⁶ <https://izoh.uz/uz/word/funksiya>

²⁷ Нажимов М., Сайдуллаев Ш. Давлат функциялари: Ўқув қўлланма –Т.:ТДЮИ, 2004 -10 б.

²⁸ Симонова С.С. Теория и практика профилактики преступлений. Учебное пособие. Волгоград 2022, стр 9.

²⁹ Хоменко И. В., Деришев Ю. В. Понятия и соотношение функций профилактики и предупреждения преступлений следователем // Сибирское юридическое обозрение. 2024. Т. 21, № 1. С. 107–120. DOI: <https://doi.org/10.19073/2658-7602-2024-21-1-107-120>. EDN: <https://elibrary.ru/fiwofy>, стр. 109

* Деонтология-бу инсоннинг бошқа одамлар ва жамият олдидаги ахлоқий ва ахлоқий мажбуриятларини ўрганиш. Бу ахлоқнинг бир қисмидир ва инсон ҳаётининг турли соҳаларида, шу жумладан касбда ҳам амал қилиши керак бўлган ҳулқ-атвор қоидалари ва меъёрларини ўрганади.

³⁰ Гоголева, А. Я. Понятие профилактики и борьбы с преступностью / А. Я. Гоголева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2014. — № 6.1 (65.1). — С. 3-7. — URL: <https://moluch.ru/archive/65/10456>.

органларнинг профилактик функциясини нафақат бевосита уларнинг ҳуқуқлари, балки қонун билан белгиланган мажбуриятлари ҳам ташкил қилади³¹, А.Г. Михайлянц эса шу билан биргаликда жиноят процессининг профилактик функцияси криминоген омилларни аниқлаш ва йўқ қилиш, шунингдек ахлоқий ва ҳуқуқий таълим бериш бўйича фаолият каби иккита асосий элементлардан иборатлигини таъкидлаган³².

И.В.Хоменко, Ю.В.Деришев, А.Я.Гоголева, А.А.Беженцевларнинг фикрларига қўшилган ҳолда уларнинг мулоҳазаларига янада кенгроқ нуқтаи назардан ёндашиш керак. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки вазифаларни белгилашда мураккаблик ҳар қандай ижтимоий вазифани (масалан, жиноятчиликни камайтириш) белгилашда, одамларнинг хатти-ҳаракатларидаги ноаниқлик ва олдиндан айтиб бўлмаслик омили булиб, буни инobatга олиш керак. Жамият аъзоларининг барчаси бир хилда рационал ёки қоидаларга қатъий риоя қилувчи эмас. Бу эса вазифаларни жуда қатъий ва ўзгармас қилиб қўйишдан кўра, мослашувчан ёндашувни талаб қилади. Шунингдек функцияларни амалга оширишдаги ноаниқлик яъни стохастикани инobatга олиш керак. Профилактика функцияларини амалга оширишда, уларнинг натижаси ҳар доим ҳам олдиндан аниқ бўлмайди. Шахсларнинг реакцияси, ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар, латент девиацияларнинг пайдо бўлиши каби омиллар функцияларнинг самарадорлигига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун, профилактика фаолиятида хавфларни баҳолаш, эҳтимолий сценарийларни ишлаб чиқиш ва мослашувчан чораларни қўллаш зарур. Бу динамик-телеологик ёндашувнинг муҳим таркибий қисмидир, бу функцияларнинг назарий жиҳатдан тўғрилигини тан олган ҳолда, уларнинг амалдаги ижро механизмини янада чуқурроқ таҳлил қилиш зарур. Масалан, “тарбиявий функция”нинг доираси жуда кенг. Айнан қандай тарбиявий чоралар самарали, улар ким томонидан ва қандай услубларда амалга оширилиши кераклигини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра С.С. Симонова, А.Г. Михайлянцларнинг фикрларига қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин, яъни тарбиявий функцияга аниқлик киритиш, бунда оила, мактаб, маҳалла, оммавий ахборот воситаларининг роли ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари аниқ кўрсатилиши, шунингдек, аксиологик иерархияни шакллантиришдаги диний ва миллий анъаналарнинг ўрни ҳам алоҳида қайд этилиши лозим. Криминоген омилларни йўқ қилиш механизмнинг самараси нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти сифатида балки, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар орқали ишсизлик, камбағаллик, таълим сифатининг пастлиги каби омилларни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг профилактикадаги ўрнини янада кучайтиришга ҳам боғлиқ.

Вазифа ва функция тушунчалари аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида жумладан

³¹ Беженцев А.А. Система профилактики правонарушений несовершеннолетних : учеб. пособие / М. : Флинта : НОУ ВПО «МПСи», 2012. — 296 с, стр 83.

³² Михайлянц А. Г. Профилактическая функция Советского уголовного процесса. Ташкент, 1977, с.11

* Стохастика ижтимоий фанларда моделлаштиришга ёндашув сифатида тавсифланади, бу тизимнинг умумий хусусиятларини вақт ўтиши билан эҳтимолий таъмирлари асосида аниқлаш учун бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатларини тавсифлашни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида “...низоми давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ... белгилайди, Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2021 йилдаги ЎРҚ-737-сонли “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги конституциявий қонунининг 18-моддасида давлат комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари кўрсатилган, Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2018 йилдаги ЎРҚ-474-сонли “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришлари жамоатчилик назоратининг объектларидан бири сифатида келтирилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорининг 1-илоvasида “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги низоми тасдиқланган бўлиб унда масканининг асосий вазифалари ва функциялари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2021 йил 29 ноябрдаги ПФ 27-сон фармонининг тўртинчи иловасида профилактика инспекторларининг 22 та вазифалари белгиланган. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун ички ишлар органларининг метафизик мақсади³³, аслида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлайди. Профилактика бу ерда умумий вазифанинг ажралмас қисми сифатида кўрилади. Бу субстанционал структуравий ўзгаришларни эмас, балки фундаментал функцияларни акс эттиради. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда профилактиканинг асосий вазифалари декомпозиция қилинади, бунини шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, ҳуқуқбузарлик сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, жабрланувчиларни ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни ижтимоий реабилитация ва мослаштириш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш хавфини камайтириш, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш кабиларда кўриш мумкин. Бу вазифалар ички ишлар органларининг умумий вазифалари билан корреляцияга эга, бироқ профилактик аспектга стратегик афзаллик берилган. Бундан келиб чиқадики, профилактика ички ишлар органларининг умумий функциялари ичидаги приоритетли йўналиш ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар рўйхати (ПФ-27-сон Фармонга 4-илова) ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги Низом (ПҚ-5050-сон Қарорга 1-илова)ни таҳлили жараёнида мазкур профилактик вазифаларнинг микросоциал даражада — маҳаллалардаги имплементациясини

³³ Метафизик мақсад– “метά” (мета) юнунча, “кейинги”, “орқасида”, “ташқарисида”, “устиди” “φυσικά” (физика) “табиатга оид нарсалар”, “табиатшунослик” бу бир нарсанинг, ҳодисанинг, тизимнинг ёки фаолиятнинг туб, фундаментал, чуқур ва пировард мақсадини англатади. Аристотелнинг шогирди Андроник Родосский Аристотелнинг табиатшуносликка оид асарларидан (“Физика”) кейин жойлашган, борлиқнинг асосий тамойиллари, сабаблари, моҳияти ҳақидаги рисолаларни алоҳида ажратиб, уларга “Μετὰ τὰ φυσικά” (Μετα та физика) – яъни “физикадан кейинги нарсалар” деб ном берган, чунки бу асарлар Аристотелнинг “Физика” китобидан кейин келган.

батафсил ёритилганлиги, шунингдек қўйидаги ўхшашликларга аҳамият бериш мумкин, иккаласида ҳам фаолият бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) худудида амалга оширилади, бу локализация принципига асосланади, яъни муаммолар келиб чиққан жойда ҳал этилади, иккаласига ҳам ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликка мойил шахсларни профилактик ҳисобга олиш, улар билан яқка тартибдаги иш олиб бориш, ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш вазифалари қўйилган, иккаласи ҳам жамоат тартибини сақлаш, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини ташкил этишга масъул, иккаласи ҳам ваколатли давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ишлашга қаратилган, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, мурожаатлар билан ишлаш, муаммоли оилалар билан индивидуал иш олиб бориш каби. Шунингдек бир қатор вазифалардаги такрорланишлар профилактика инспектори ва маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани ўртасидаги вазифаларнинг кўплиги сабабли, уларнинг функционал такрорланиш эҳтимоли юқори. Бу институционал дубляжга олиб келиши мумкинми? Ёки бу синергетик самарани таъминловчи, бир-бирини тўлдирувчи “елкама-елка” иш механизмими? Ушбу саволларга маҳалла ҳуқуқ тартибот масканининг асосий вазифаси “Ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этиш” эканлиги, профилактика инспекторининг вазифаси эса “ваколатли давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолияти натижаларини умумлаштириш ва ягона ахборот-таҳлил тизимига киритилишини таъминлаш” деб белгиланганлигида жавоб берилган, чунки бунда маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани координатор ролини ўйнаши керак, профилактика инспектори эса ижрочи-таҳлилчи ролида келади, амалиётда эса бу чегаралар қанчалик аниқ эканлигини билиб олишимиз лозим бўлади. Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканининг вазифалари орасида видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш каби вазифалар бор. Профилактика инспекторининг вазифалари рўйхатида бундай аниқ технологик вазифа кўрсатилмаган. Бу маҳалла ҳуқуқ тартибот масканининг рақамли трансформациядаги стратегик афзаллигини кўрсатади, ёки профилактика инспекторлари ҳам ушбу тизимларга интеграция қилиниши лозим бўлади. Ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунда бу вазифа умумий белгиланган. Профилактика инспекторларининг вазифаларида ижтимоий мослаштириш ишларини индивидуал дастур тузган ҳолда ташкил этиш аниқ кўрсатилган. Маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани эса “аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш” ва

“электрон ижтимоий-психологик портретини тузган ҳолда якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури асосида амалга оширилишини ташкил этиш” дейилади. Бу вазифада масъулият чегараси қаерда? Профилактика инспектори дастурни тузса, уни маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани уни амалга оширишга масъулми? Координация механизмлари етарлича аниқми? Бунда аксиологик ёндашув қанчалик чуқур? Шунингдек профилактика инспекторининг вазифаларида жинойтларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш белгиланган. Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканининг функцияларида эса жинойтларни аниқлаш ва фош этиш, қидирув бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш кўрсатилган, кўшимчасига, “жинойтларни “иссиқ изидан” фош этиш бўйича зарур дастлабки тадбирларни ташкил этиш” каби банд ҳам мавжуд. Бу вазифаларда “кўмаклашиш” сўзининг маъноси қанчалик кенг? Бу профилактика инспектори ва маҳалла ҳуқуқ тартибот масканига тезкор-қидирув фаолиятининг маълум бир қисмларини юклайдими ёки уларнинг асосий функцияси барибир профилактикаликча қоладими? Бундай ваколатлар чегараси қандайдир зиддиятларга сабаб бўлмайдими? Ушбу таҳлиллардан кўринадикки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими, хусусан, ички ишлар органлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла ҳуқуқ тартибот масканининг вазифалари бир-бири билан зич боғлиқ ва ўзаро тўлдирувчи характерга эга. Асосий мақсад эса битта, яъни жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали ижтимоий гомеостазни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишдан иборат. Бироқ, вазифаларнинг айрим такрорланишлари ва демаркация чизиқларининг ноаниқлиги институционал самарадорлик нуқтаи назаридан бир қатор баҳсли саволларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда, оптимал ҳамкорлик механизмларини янада аниқлаш, рақамли трансформация имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва ваколатларни рационал тақсимлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасидагина профилактика тизими жамиятда барқарорликни ва хавфсизликни таъминловчи стратегик афзалликка эга бўлади.

Профилактика инспекторларининг биринчи даражали вазифаси ижтимоий девиацияларнинг латент кўринишларини аниқлаш ва уларнинг каузал механизмларини³⁴ таҳлил қилиш; иккинчи йўналишда профилактика инспекторлари девиант хулқ атворли шахсларга нисбатан руҳий-ижтимоий интервенция чора-тадбирларини амалга ошириши аксиологик нуқтаи назардан қайта ижтимоийлаштириш ва реабилитация концепцияларига асосланади; учинчи йўналишда соҳавий хизматлар ва бошқа давлат ташкилотлари ўртасида ахборот алмашув ва кооперацияни таъминлаш вазифаси, бошқача айтганда тизимли

³⁴ Каузал (инглизча causal) сўзи “сабабий” деган маънони, каузал механизмлар эса муайян ҳодиса ёки жараёнга (бу ҳолда, ижтимоий девиацияларга) олиб келадиган сабаб-оқибат боғлиқликларини англатади, девиацияларнинг каузал механизмларини таҳлил қилиш деганда, уларнинг келиб чиқиш сабабларини, шарт-шароитларини ва ривожланиш йўллари илмий асосда ўрганиш тушунилади.

ёндашув контекстида, бу синергетик эффект ҳосил қилиш ва ресурсларнинг оптимал тақсимотини амалга ошириш демакдир.

Идеалистик парадигма³⁵ доирасида, профилактика инспекторлари инсон шахсининг ички потенциалини фаоллаштириш ва уни ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга мослаштириш вазифасини бажаради. Бу ерда телеологик мақсад - девиант шахсда ижтимоий маданий қадриятларни шакллантиришдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқбузарликларнинг потенциал ҳолатини қанчалик даражада башорат қилиш мумкин? Детерминистик ёндашув тарафдорлари алгоритмик моделларнинг мутлақ ишончилигини даъво этса, индетерминистлар инсон ҳулқининг стохастик³⁶ табиатини таъкидлайди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси функцияси ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим функцияларидан биридир. Ушбу функция самарали амалга оширилиши жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Давлат ва ҳуқуқнинг функцияларини ўрганган профессор Ш.Сайдуллаев ва М.Нажимовлар давлат функцияларида унинг моҳияти ва ижтимоий йўналтирилганлиги, мақсад ва вазифалари акс этиши, функция давлат ташкилотининг ичида тадбиқ қилиниши мумкин эмаслиги, улар жамиятдаги ижтимоий муносабатларга таъсир этган ҳолда тадбиқ қилинишини қайд қилишган³⁷. Ушбу функцияларга оид олимларнинг фикрларида, уларнинг барчаси функциянинг ижтимоий аҳамиятини, унинг жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини таъкидлайдилар. Хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш давлат ва ҳуқуқнинг муҳим функцияларидан бири сифатида эътироф этилади. Ўйлашимизча ҳуқуқбузарликлар профилактикаси функциясининг асосий мақсади нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш, балки унинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишдан иборат. Бунинг учун ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида жамоатчиликнинг родини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кучайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш каби долзарб вазифалар ҳам турибди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси функцияси типологиясини тизимли-телеологик таснифлашда биринчи функционал йўналиш профилактика

³⁵ Идеалистик парадигма – ((юннча: *paradeigma* – намуна, мисол, модель) муайян бир даврда илмий ёки ижтимоий ҳамжамият томонидан қабул қилинган концептуал схема, муаммоларни қўйиш ва уларни ечиш модели, тадқиқот методлари ва асосий қарашлар тизимидир) фалсафий ва илмий тафаккурдаги асосий ёндашувлардан бири бўлиб, унинг марказида онг, ғоя, руҳ ёки бошқа маънавий ибтидо моддий борлиқдан ўстун ва бирламчидир деган тамойил ётади. Бу парадигма реалликнинг моҳиятини материалдан кўра руҳий, ақлий ёки ғоявий деб талқин қилади.

³⁶ Стохастика юннча *“stokhastikos”*, “тахминий”, “чамалашга қодир”, “мўлжаллашга оид” деган маъноларни англатади, жиноятчилик даражасининг ўзгариш динамикаси, рецидив жиноятларнинг эҳтимоли, ҳуқуқбузарликларнинг каузал механизмлари (сабаб-оқибат алоқалари)даги ноаниқликларни таҳлил қилиш.

³⁷ Нажимов М., Сайдуллаев Ш. Давлат функциялари: Ўқув қўлланма –Т.:ТДЮИ, 2004 -5 б.

инспекторларининг регулятив функцияси ижтимоий гомеостазни³⁸ сақлашга қаратилган, трансформатив функция, иккинчи функционал йўналиш - ижтимоий тизимларни замонавий кадриятларга мослаштириш, рақамли трансформация контекстида, бу функция технократик инновацияларни гуманистик принциплар билан интеграциялашни билдиради, учинчи функционал йўналиш коммуникатив функция, яъни жамият ва давлат ўртасида медиатор ролини бажаришни билдиради.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси функцияларига герменевтик ёндашув³⁹ асосида, профилактика инспекторлари ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжлари, мақсад ва муддаоларини интерпретация қилиб, уларни давлат сиёсатига трансляция қилишини тушунамиз. Профилактика инспекторлари фаолиятига герменевтик ёндашувда аҳолининг, хусусан, ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг (ёшлар, кексалар, мигрантлар, кам таъминланганлар ва ҳ.к.) муаммоларини, эҳтиёжларини, мақсад, муддаоларини, қандай қилсалар уларнинг хавфсиз шароитда бўлишларини таъминлаш мумкинлигини англашга ҳаракат қилишади, бунда шунчаки аҳолининг мурожаатларини рўйхатга олиш эмас, балки ортидаги яширин маъноларни (латент кўринишларни), ижтимоий келиб чиқиш сабабларини (каузал механизмларни) аниқлаш зарурдир, масалан, ёшлар ўртасидаги агрессияни шунчаки “тарбиясизлик” деб эмас, балки уларнинг ижтимоий изоляцияси, ишсизлиги ёки ижтимоий адолатсизликка бўлган норозилиги сифатида интерпретация қилиш каби. Герменевтик ёндашув профилактика инспекторидан эмпатия (ўзганинг ҳис-туйғуларини тушуниш) талаб қилади, бунда у ҳар бир индивид ёки гуруҳнинг вазиятга ўз субъектив нуқтаи назаридан қарашини қабул қилади.

Профилактика соҳаси турли фанлар, айниқса юриспруденция, криминология, социология, психология, информатика, кибернетика каби фанлар билан синтетик алоқада бўлиб, профилактика соҳасининг жуда кенг ва мураккаблиги унинг самарадорлигига эришишда турли илмий фанларнинг конвергенцияси – яъни, уларнинг яқинлашуви, ўзаро бирлашуви ва биргаликда ривожланиши талаб этилади. Профилактика соҳасининг ривожланиши интердисциплинар (фанлараро) ёндашувни талаб қилади, бусиз бугунги кундаги мураккаб ижтимоий муаммоларга самарали ечим топиш имконсиз. Бундай ёндашув, деонтологик мажбуриятлар ва метафизик мақсадлар асосида, жамиятнинг ижтимоий гомеостазини таъминлашга хизмат қилади.

Фанларнинг мультидисциплинар интеграцияси нафақат эпистемологик жиҳатдан янги билим ва методологияларни, балки метафизик ёндашувда борлиқнинг ўзига, унинг моҳиятига бўлган қарашларни ҳам ўзгартиради, чунки анъанавий фан чегараларининг йўқолиши мураккаб тизимларни (масалан,

³⁸ Ижтимоий гомеостаз – бу жамият ёки ижтимоий тизимнинг ички мувозанатини, барқарорлигини ва мувофиқлигини сақлашга бўлган интилишини англатади. Бу жараён тизимни ташқи ва ички ўзгаришларга мослаштириш орқали унинг функционал жиҳатдан яшовчанлигини таъминлайди.

³⁹ Герменевтика юнончадан “hermeneiō” – “таржима қилиш”, “талқин қилиш”, қадимги юнон маъбуди Гермес номидан олинган бўлиб матнларни, хатти-ҳаракатларни, маданиятларни ва ижтимоий ҳодисаларни интерпретация қилиш (изоҳлаш, талқин қилиш) ва тушуниш ҳақидаги фан ва санъатдир. У фақатгина маълумотни қабул қилиш эмас, балки унинг орқасидаги маънони, ниятни, контекстни ва субъектив тажрибани очиб беришга қаратилади.

ижтимоий гомеостазни) тўлиқроқ тушунишга имкон беради. Бу “вазифа” ва “функция”ни белгилашда ва амалга оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар энди фақат бир соҳа доирасида эмас, балки умумий, интердисциплинар реаллик контекстида кўриб чиқилади. Бу идеалистик парадигма билан ҳам мос келади, бинобарин фанларнинг бирлашуви кўпинча янги ғоялар ва концептуал доиралар пайдо бўлишига олиб келади.

Шу сабабли, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби муаммоли соҳаларда бундай интердисциплинар ёндашув нафақат илмий зарурат, балки амалий эҳтиёж ҳамдир.

Бир қатор олимлар фикрига кўра профилактика инспекторларининг институционал эволюцияси оптимистик башорати, яъни технологик ўсиш ва инсоний қадриятларнинг гармоник синтези, шунингдек рақамлаштириш жараёнлари, ахборот оқимининг кенглиги натижасида уларнинг билимларини янада тўлдириб, фаолиятини самарали ва адолатли бўлиши имконини бериши, шу билан бир вақтда пессимистик ёндашувда техноцентриқ тоталитаризм ва инсоний қадриятларнинг деградацияси натижасида профилактика тизими тотал назорат ва репрессия механизмига айланиш хавфи ҳам бор. Албатта бу дихотомияда замонавий воқеъликни ҳисобга олиб реалистик ёндашганда диалектик ўсиш - зиддиятлар ва конфликтлар орқали мукаммаллашув жараёнларини кузатиш ҳам мумкин, чунки инсоний омил ва технологик имкониятлар мувозанатли ривожланиши барча тарихий даврларга хос.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда вазифа ва функцияларнинг аниқ белгиланиши ва уларнинг самарали амалга оширилиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Олиб борилган тадқиқот ишлари давомида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида функцияларни биринчидан: ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати, динамикаси ва тенденцияларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш бўйича прогнозлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган таҳлилий-прогностик функцияси; иккинчидан аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, қонунларга ҳурмат ва риоя этиш муҳитини яратиш ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот функцияси; учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни ташкилий тактик ва стратегик режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-бошқарув функцияси; тўртинчидан, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ ҳамкорлик функцияларига ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинди.

Хулоса қилиб айтганда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида вазифа ва функцияларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уйғунлигини таъминлаш, уларнинг самарали амалга оширилишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда

хуқуқбузарликлар профилактикаси барча субъектларининг фаол иштироки ва ҳамкорлиги талаб этилади. Келажакда профилактика тизимининг рақамли трансформацияси идеалистик мақсадлар ва прагматик воситалар ўртасида синтетик мувозанат⁴⁰ ўрнатишга асосланиши муҳим. Ижтимоий гомеостаз концепцияси, стратегик афзалликлар парадигмаси ва мультидисциплинар конвергенция принципларига асосланган янги методологик база профилактика инспекторларининг иш кўрсаткичларини янада яхшилаши билан бирга самарадорликни янги сифат даражасига кўтаради. Профилактика соҳаси XXI асрда нафақат хуқуқни муҳофаза қилиш механизми, балки ижтимоий-маданий трансформациянинг катализатори роли ўйнаши керак. Бу вазифа техногуманистик парадигма доирасида - замонавий технологиялар ва эзгу инсоний қадриятларнинг органик синтезида амалга ошиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони – 2021
2. Шавкат Мирзиёев. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови ». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган танталали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи. - 2016. -№ 243(6678) Б. 1-3
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,»Ўзбекистон»,2017.–48 б.
4. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
5. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.
6. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини хуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

⁴⁰ Синтетик юнонча "synthesis" (синтез) сўзидан келиб чиққан бўлиб, қисмларни бир бутунликка бирлаштириш, турли элементларни бирлаштириш орқали янги сифатни яратиш жараёнини англатади. Бунда алоҳида қисмларнинг хусусиятлари йўқолмайди, балки уларнинг ўзаро таъсиридан янги, мураккаброқ бирлик ҳосил бўлади.

7. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРАНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.

8. Адхамов, Зафар. "ҚАДИМГИ ТАЪЛИМОТЛАРДА ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАГА ОИД ЁНДАШУВЛАР." Академические исследования в современной науке 4.13 (2025): 189-193.

9. Қадамович Б. Ҳ. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2024. – Т. 4. – №. 4-1. – С. 95-100.

10. Ганиев Ф. Т., Давлетов Ф. О. У. РАБОТА ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ С БЕЗНАДЗОРНЫМИ И БЕСПРИЗОРНЫМИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ И ПРОБЕЛЫ НА ПРАКТИКЕ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 16. – С. 179-182.

11. Адхамов, Зафар Акбарович. "ШАХСЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРИДАН ЎТКАЗИШДА ДИНИЙ УЛАМОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ." THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY 2.20 (2024): 114-117.

12. Адхамов, З. А. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРАНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 165-172.

13. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.

14. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.

15. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.